# ИНСОННИ УЛУҒЛАГАН ҚОМУСИЙ ҲУЖЖАТ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси «Конституция — ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асоси» мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

Унда фракция аъзолари, партиянинг Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоят кенгашлари фаоллари, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Конституциямизнинг яратилиш тарихи, унда инсон қадр-қиммати улуғлангани ҳақида атрофлича маълумотлар берилди, мисоллар келтирилди.

— Ҳар қандай мамлакатнинг давлатчилик асослари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти қонунлар билан тартибга солинади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев.** — Шу маънода юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларда Конституциянинг ўрни беқиёс.

Конституцияни ишлаб чиқишга икки йилдан ортиқ вақт кетганлиги, бу шарафли, айни вақтда масъулиятли вазифага шахсан Биринчи Президентимиз бошчилик қилгани кўпчиликка маълум. Бу жараёнга республикамизнинг энг етук мутахассислари, олимлари жалб этилган эди. Ривожланган давлатларнинг конституциялари атрофлича ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга, унинг моҳиятига халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келаётган беназир қадриятлар сингдирилди. Тайёрланган лойиҳа эса умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. Ана шундай омиллар туфайли Конституциямиз мукаммаллик, улуғворлик намунаси бўлган ҳуқуқий ҳужжатга айланди.

Бугун юртимизда Асосий Қонунимиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, салмоқли улкан ютуқларга эришилаётир. Зотан, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон номи алоҳида ҳурмат ҳамда эҳтиром билан тилга олинаяпти. Шунинг ўзиёқ танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигининг ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалда самара бераётганининг ҳаётий тасдиғидир.

— Конституциямиз халқимизнинг орзу-умидлари, иродасини ўзида жамлаган қомусий ҳужжатдир, — дейди **Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари номзоди Игорь Кудрявцев.** — Унда белгиланган кафолатлар фуқароларнинг озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаши, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлишини таъминлайди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Асосий Қонунимизнинг устуворлиги хусусида сўз кетганда, энг аввало, унда инсон омили, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий мақомга кўтарилганини таъкидлаш лозим. Чунки муқаддиманинг дастлабки сатрларидаёқ инсон ҳуқуқлари акс этган. Конституциямиз хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, хоҳ ёш ёхуд кекса, соғлом ёки ногирон — барча инсонлар манфаатларини бирдек ифодалайди. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар ҳуқуқлари алоҳида давлат ҳимоясига олиниши, ушбу масала конституциявий норма даражасида ифодаланиши катта аҳамиятга эга.

Конституциямизда халқимиз азиз билган, ардоқлаган қадриятлар ўз аксини топган. Хусусан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Оила эса жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолари ҳам сўзга чиқиб, Конституцияни чуқур ўрганиш, унда белгиланган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбатида Президентимизнинг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти ҳақида ҳам ёшларга атрофлича тушунча берилди.

Ёшларнинг миллий қонунчилигимиз ва қонунларни қабул қилиш жараёнлари тўғрисидаги саволларига депутатлар жавоб беришди.

**Гулруҳ САЙФИДДИНОВА**

Электорат вакиллари билан мулоқот

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши фаоллари Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишди.**

# МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ...

Дастлаб партия фаоллари **Паркент туманидаги «Чўққайма» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Элёр Азизбеков** хонадонига боришди.

Ҳовли саранжом, саришта. Айниқса, турли-туман гуллар уйга ўзгача файз бериб турибди.

— Гул парвариши нозик иш, — дейди **уй бекаси Гулмира Азизбекова**. — Бу одамдан сабр-тоқат ва меҳр талаб этади. Меҳмонлар хона гулларини кўриб, дили яйрайди. Аслида уларни турмуш ўртоғим ўстирганини билишмайди...

— Турмуш қурганимизга ўн йилдан ошди, — дейди хонадон соҳиби Элёр ака. — Шукр, ҳаётимиздан нолимаймиз. Икки нафар фарзандимиз бор. Фақат уларнинг хасталаниб қолгани бизни ташвишга солади. Катта қизим буйрак етишмовчилигидан азобланади. Айниқса, охирги вақтларда касали зўрайиб боряпти. Кичик фарзандим ҳам гепатит С вируси билан оғриган. Ота-она учун фарзандининг соғлиги ва кулгусидан ҳам катта бахт йўқ экан. Улар даволаниши учун катта маблағ керак. Қарийб икки йил мобайнида Паркент тумангаз унитар корхонасида ишладим. Штатлар қисқаргани боис ишдан бўшатилдим. Очиғи, дори-дармон олишга қийналяпмиз. Ишга тикланишимга ёки мутахассислигим бўйича бошқа ишга жойлашишимга ёрдам беришса, яхши бўларди...

Маҳалладаги **Ўриксор кўчаси, 106-уйда истиқомат қилаётган Иброҳим Ҳайдаров**нинг хонадонига кириб борганимизда оила бошлиғи ҳовлидаги дарахтларга шакл бераётган экан.

— Дарахтлар вақтида бутланса, меҳр билан парвариш қилинса, албатта, мўл ҳосил беради, — дейди Иброҳим ака. — Фарзандларим туғилганда мана бу ёнғоқларнинг кўчатини ўтқазганман. Насиб қилса, невараларимга ўз қўлларим билан меваларни узиб бераман. Ўрик, гилос, олмалар пишганида, меваларидан қоқи қиламиз. Эҳтиёжимизга лойиғини олиб қолиб, ортганини сотамиз.

Турмуш ўртоғи омборхона томон кетганини кўрган Зебинисо Ҳайдарова бизга уларни ўйлантираётган муаммо ҳақида гапириб берди.

— Турмуш қурганимизга йигирма йилдан ошди, — дейди у. — Икки нафар фарзандимиз бор. Умр йўлдошим икки йилдирки, оғир дардга чалинган. Тошкентдаги шифохоналарда тиббий кўрикдан ўтди. У ерда оёқнинг чаноқ суяги емирилиши ташхисини қўйишди. Оғриқдан тунлари ухламай чиқяпти. Суриштириб билсак, хасталикни жарроҳлик амалиёти орқали даволаш мумкин экан. Бунинг учун катта маблағ керак. Бир неча марта Паркент туман ҳокими қабулхонасига, сўнгра Тошкент вилоят Халқ қабулхонасига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун ўн минг АҚШ доллари миқдорида пул маблағи кетиши, ушбу операция давлат Дастурига киритилиши кераклигини айтишди. Бир йилдан буён ёрдам сўраб мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади. Сотай десак, яшаб турган уйимиздан бошқа мулкимиз йўқ. Катта фарзандим ҳам ногирон. Вақти-вақти билан даволатиб турамиз. Пул жамғаришга ҳам имкониятимиз бўлмаяпти.

Суҳбат давомида Иброҳим ака жорий йилнинг апрель ойида банкдан имтиёзли кредит олганини билдик. Ушбу кредит маблағига тўрт бош қўй харид қилган. Яқинда қўйлар иккитага кўпайибди.

Кун давомида бўлган барча мурожаатларни Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрож Дархонов ёзиб олди. Аҳоли вакилларига имтиёзли кредит олиш, маблағни мақсадли сарфлаш масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— Меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилат, — дейди Меҳрож Дархонов. — Белгилаб олинган мурожаатларни ҳал қилиш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз. Биринчи навбатда тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилади. Ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмаймиз.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА**

Бу ҳақда видеоселектор йиғилишида айтилган эди...

# СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТУШУНЧАСИ

## ҳар доим «дадиллик», «ташаббускорлик» тушунчалари билан ёнма-ён туради



**Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан жорий йилнинг июль ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида сиёсий партиялар фаолияти ҳақида таҳлилий-танқидий фикрлар билдирилган эди. Хусусан, сиёсий партиялар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмагани, устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф, ташаббуслар деярли сезилмаётгани танқид қилинган эди. Орадан қарийб ярим йил вақт ўтди. Сиёсий партиялар фаолиятида нималар ўзгарди? Қандай янгиликлар кўзга ташланмоқда?**

**Ушбу саволлар билан сиёсий фанлар доктори, профессор Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВга мурожаат қилдик.**

— Бу саволлар таҳлилий, асослантирилган жавобни талаб этади. Ўша йиғилишдан сўнг сиёсий партиялар фаолиятида, албатта, жонланиш кўзга ташланди, ҳаракатлар сезилди, масъулият ошди. Аммо ҳали кўп изланиш, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади. Сиёсий партия жамиятда таъсир кучига эга бўлиши осон иш эмас. Сиёсий курашда катта мақсадларга бирданига эришиб бўлмайди...

**— Келинг, унда сиёсий партияларнинг жамиятдаги обрўси мустаҳкамланиши учун қайси масалаларга эътиборни кучайтириш зарурлиги ҳақида суҳбатлашайлик.**

— Маълумки, мамлакатимизда сиёсий партиялар 20-25 йилдан буён яшаб келаётган бўлса-да, улар ҳанузгача демократик тамойиллар ва қадриятлар талаблари даражасидаги сиёсий ташкилотлар даражасига кўтарила олди, дея олмаймиз. Бунинг асосий сабабларидан бири партияларни ташкилий жиҳатдан ривожлантиришга боғлиқ. Тажрибадан маълумки, қуйидан — сиёсий иштирокчилар (фуқаролар вакиллари) — сайловчилар умумий иродаси билан тузилган партия пойдевори мустаҳкам бўлади.

Партиянинг табиати шундайки, у доимо қуйидан (электорат, бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг аъзоларидан), фаол омманинг хатти-ҳаракатидан руҳий қувватланиб, ўзининг яшовчанлигини таъминлайди. Бу энергия кучсиз ёки суст бўлса, сиёсий партия жамият, электорати олдидаги вазифаларини бажара олмайди ёки у партия кўринишидаги қандайдир фаолият (квазипартия) сифатидагина намоён бўлиши мумкин.

Сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни, уларнинг ривожланиш суръати ҳақида бугун нима дейиш мумкин? Халқ депутатлигига номзодлар тайёрлаш ва танлаш, ўз электорати манфаатларини партия дастурларида ва ўз фаолиятида ифодалаш, сиёсий тизимда бирон-бир ёки бир неча ижтимоий қатламлар манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, фуқаролар ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш, сайловчилар дунёқарашига партия мафкураларини сингдириш, муаммоларни тезлик билан илғаш, уларнинг ечимларини топиш каби масалалар сиёсий партияларнинг жамиятдаги асосий вазифаларидан саналади. Аммо сиёсий партиялар фаолиятига назар солсак, уларнинг ҳозирги ривожланиш даражаси давр талабларига жавоб бермаслиги кўзга ташланади.

**— Ҳар бир сиёсий партия ўзининг тарафдорлари, хайрихоҳлари манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Уларнинг бу борадаги амалий ишлари нималарда кўриняпти, деб ўйлайсиз?**

— Агар жаҳон тажрибасига эътибор берсак, сиёсий партиялар дастлаб ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатлари ҳамда эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида пайдо бўлган. «Инсоннинг манфаатлари турли-туман. Лекин уларнинг ичида энг асосий манфаат мавжуд: инсоннинг ўзини ўзи ҳаётда амалга ошириши (реализация қилиши) — унинг бош манфаатидир». Демак, инсоннинг мазкур манфаати уни бирон-бир сиёсий партияга киришга ундайди. Лекин у сиёсий партияда бу каби манфаатни амалга ошириш имкониятини тополмаса, унинг ҳафсаласи пир бўлади, партиянинг мудроқ аъзосига айланади.

Демак, сиёсий партия ўзининг тарафдорлари, хайрихоҳлари манфаатларини астойдил ҳимоя қилса, у фаоллашади, ҳимоя қила олмаса, жамиятда нуфузини йўқотади. Шу маънода, ҳозирги даврдаги сиёсий партияларни ҳақиқий демократик принциплар асосида фаолият юритмоқда, деб баҳолаш қийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берсак, уларнинг аксарият қисми ижтимоий муаммолар ёки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига доир шикоятлардан иборат. Савол туғилади? Нима учун ўтган давр ичида фуқаролар шу каби мурожаатлар билан сиёсий партияларга мурожаат қилмади? Чунки партияларнинг бу каби мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш ресурслари ва хоҳиш-эътибори етарли эмаслигини халқимиз билади. Ваҳоланки, ижтимоий муаммолар ечимини топиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш барча партияларнинг дастурларида белгилаб қўйилган.

**— Бугун сиёсий партиялар фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, улар кўпроқ сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий мавзулардаги тадбирлар ўтказиш билан машғул бўлишаётганга ўхшайди. Сиёсий партияларнинг вазифаси аслида нималардан иборат?**

— Албатта, бу каби тадбирлар ҳам керак. Лекин сиёсий партиялар томонидан ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий тадбирлар расмиятчилик ва «хўжакўрсин»чилик кўринишидан нарига бормаяпти. Яна бир қизиқ томони шундаки, тадбирлар асосан сайловларга 2-3 ой қолганда авж олади. Партиявий тадбирларда партиянинг жамиятдаги ўрни, вазифаси, жамият институти сифатидаги мақоми, сиёсий мафкурасига доир масалаларга кам эътибор берилади. Шунинг учун ҳам тадбирлар корхона, фирма, таълим муассасаси раҳбарларининг ёрдами билан ўтказилади, лекин улар долзарб масалаларни кўтармагани, замонавий талаблар даражасида ўтказилмаганлиги учун таъсир кучига эга бўлмаяпти.

Сиёсий партиялар ўзининг асосий тадбирларини сайловчилар яшайдиган масканларда ўтказиши лозим. Шунингдек, партиянинг бошланғич ташкилоти тузилган корхона-ташкилотлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Тадбирлар бошланғич ташкилот етакчиси томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Партиянинг туман ёки шаҳар кенгаши вакили уни ўтказишга ёрдам бериши ёки иштирок этиши мумкин. Чунки бошланғич ташкилот ташаббуси ёки иштироки билан ўтказилмаган ҳар қандай тадбир расмиятчиликдан бошқа нарса эмас. Қайси партия ўзининг мустақил, ташаббускор, ўзини ўзи бошқаришга қобил бўлган бошланғич ташкилотига эга бўлса, ўша партиянинг нуфузи баланд бўлади, жамият ҳаётидан доимо бохабар бўлиб туради.

Сиёсий партиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларда асосан партия аъзоларининг партия низоми ва дастурларини бажаришдаги иштироки, бурчи, партия аъзосининг ҳуқуқ ва имтиёзларига доир масалалар муҳокама этиб борилиши муҳимдир. Мазкур тадбирларнинг асосини бошланғич ташкилот атрофида яшаётган сайловчиларнинг ижтимоий аҳволи, улар ҳаётида вужудга келган муаммолар ва уларнинг ечимлари, сайловчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, аҳоли ижтимоий-сиёсий онгини ўстириш, партия ёшлар қанотини мустаҳкамлаш каби масалалар ташкил этса, нур устига нур бўларди.

Сиёсий партиянинг турли йиғинлар, тадбирлар ўтказишдан кўзлаган мақсади тарафдорларини кўпайтиришга қаратилиши керак. Асосий мақсад сайловларда кўп ўрин эгаллаб, ҳокимият учун кураш олиб боришга қаратилмоғи зарур. Сиёсий партияларнинг бошқа жамоат ташкилотларидан фарқи ҳам шунда.

**— Сиёсий партиянинг таъсир кучи, нуфузини ошириш масаласига янада аниқлик киритсак. Бу кўпроқ нималарга боғлиқ, деб ҳисоблайсиз?**

— Сиёсий партияларнинг жамиятда нуфузи ошиши уларга нисбатан халқ ишончи мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Халқ ишончисиз етук сиёсий партия даражасига кўтарилиш мушкул. Партия нуфузи жамиятда фуқаролар сиёсий партиялар воситасида ўз манфаатларини қондира олишларига, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлай олишига чин дилдан ишонганида ошади, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масала — партия ташкилотлари, айниқса, туман, вилоят кенгашлари етакчилари салоҳиятли, тажрибали, бошқарувчилик сифатлари юқори даражада бўлиши зарурдир. Бунинг учун бошланғич ташкилот, туман (шаҳар), вилоят ва марказий ташкилотларга сайланадиган етакчилар номзоди пастдан, аъзолар томонидан кўрсатилиши, номзодлар ўртасидаги нуқтаи назарлар, баҳс-мунозаралар, сайловда ютиб чиқиш каби омиллар етакчини баҳолашнинг асосий мезонлари даражасига кўтарилиши лозим. **Бу мезонларсиз партия етакчиларини баҳолаш усуллари ҳақиқий салоҳиятни аниқлаб беришга ожизлик қилади. Қолаверса, ҳар қандай инсон ўз эркин хоҳиши билан сайлаган етакчига нафақат бўйсунади, балки унга эргашади. Етакчи номзоди қуйидан кўрсатилганида ташаббускорлик, фаоллик сифатлари шаклланишига кенгроқ имкониятлар пайдо бўлади, бефарқлик ва сусткашлик каби иллатларга жой қолмайди.** Сиёсий партия тушунчаси доимо «дадиллик» ва «ташаббускорлик» тушунчалари билан ёнма-ён туради. Бу алоқадорлик узилган ҳолатларда етакчи партияни охир-оқибатда инқирозга олиб келади.

Партия нуфузини оширишнинг яна бир талаби — партия дастурларини соддалаштириш, унда сайловчиларнинг манфаатларидан бошқа мақсадларни қисқартириш ҳисобланади. Дастур оддий сайловчига, унинг тушуниш ва англаш қобилиятига мос равишда тузилиши лозим. Сайловчи учун осмондаги олий ваъдаларга қараганда, оддий, ҳаёт учун зарурий бўлган ресурслар муҳимроқ аҳамият касб этади. Қайси партия ўз ваъдасини бажаришнинг уддасидан чиқса, ўша партия кейинги сайловнинг бош қаҳрамонларидан бирига айланади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Гулруҳ ОДАШБОЕВА суҳбатлашди.**

Ҳар қандай инсон ўз эркин хоҳиши билан сайлаган етакчига нафақат бўйсунади, балки унга эргашади.

# КОНСТИТУЦИЯГА БИНОАН

**Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамият томонидан ўта муҳим воқеа сифатида эътироф этилиб, инсонпарварлик ғояларига садоқат намунаси сифатида тан олиниб келинмоқда.**

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида қонунларимиз либераллаштирилиб, инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилди.**

**Бош қомусимизда инсон ва унинг қадр-қимматини олий қадрият сифатида улуғланди. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни янада юқори босқичга кўтариш мақсадида 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси жазо тури сифатида бутунлай бекор қилинди ва Жиноят кодексидан олиб ташланди.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир». Зеро, инсон ҳаёти ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида илк бор Конституциямизда мустаҳкамланди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда мазкур тарихий ҳужжатнинг аҳамияти беқиёс.**

**Мухбиримиз инсоннинг яшаш ҳуқуқи, яъни Ўзбекистонда жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариш бўйича қабул қилинган тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида юридик фанлар доктори, профессор Баҳром АҲРОРОВ фикрлари билан қизиқди.**




**— Ҳамма нарса таққосланганда билинади. Шу ўринда ўтмиш ва бугунги кун қонунчилигимиз қиёсланганда, аввало, қандай фарқланишлар кўзга ташланади?**

— Собиқ шўролар тузуми даврида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексидаги 33 та моддада ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса, 1994 йил қабул қилинган янги мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида улар сони 20 тага қисқартирилиб, 13 та модда санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган эди. Босқичма-босқич улар сони яна қисқартириб борилди. 1998 йилга келиб, ўлим жазоси назарда тутилган моддалар 8 та, 2001 йилда 4 тага, 2003 йилда эса 2 тага қисқартирилди.

2005 йил 1 августда Биринчи Президентимиз тарихий ҳужжатга имзо чекди. «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Бу инсонпарварлик тамойилларига қатъий амал қилаётган мамлакатимизнинг фуқаролари конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Фармонга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси жазо тури сифатида бутунлай бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан олиб ташланди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу ислоҳот жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди ва маъқулланди. 2008 йил 5 январда матбуотда **Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Словения раислигининг Европа Иттифоқи номидан баёноти эълон қилинди.**

**Унда шундай сўзлар бор: «1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизғин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.**

**2. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.**

**Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади».**

Бу ҳужжат Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга берилган юқори баҳо ва эътирофдир. Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ўта муҳим воқеа бўлди. Нуфузли хорижий экспертларнинг фикрича, ушбу ва бошқа чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон дунёда энг либерал жиноят қонунига эга бўлди.

Бинобарин, ҳуқуқ тизимида жиноят учун жазонинг оғир ёки енгиллиги эмас, унинг муқаррарлиги муҳим ҳисобланади. Қолаверса, ўлим жазоси маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Бу жазо инсонни ахлоқан тузатмайди.

Жиноий жазо — жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, жамият учун хавфли ҳаракатлар содир этишдан тийиш, кейинги ҳаётини фойдали томонга буриш воситаси. Маҳкум жазони ўташ пайтида озодлик ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етади, керакли хулоса чиқаради.

**— Ўзбекистон мустақилликнинг қисқа даврида ўлим жазосидан бутунлай воз кечди. Ваҳоланки, кўпгина ривожланган демократик давлатлар қонунчилигида ўлим жазоси сақлаб қолинган. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?**

— Шу ўринда бир гапни айтсам. Демократик давлат ўз фуқаросидан воз кечмаслиги керак. Яъни қонунчилигида ўлим жазоси бор давлатда демократия тўғрисида гапириш, фикримча, ортиқча.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қисқа вақтида, яъни ўн етти йилда ўлим жазосидан воз кечишга эриша олди. Бундай ютуқларга демократик ҳисобланган Европа давлатлари бир, ҳатто икки асрлаб ҳаракат қилганликлари тарихдан маълум. Ўлим жазосини бекор қилиш жиноятчиликнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлади, деган фикрлар ҳам нотўғри, асоссиз эканлиги Ўзбекистон мисолида исботланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўлим жазоси жазо тури сифатида ўзини ҳеч қачон оқлаган эмас. Дунё тажрибасида ўлим жазосини қўллашнинг жиноятчиликни камайтиришга умуман боғлиқ эмаслиги аллақачон исботланган. Аксинча, уни тайинлашда йўл қўйилган хатолар орқали кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан эрта маҳрум қилинди. Собиқ шўролар тузумидаги қатағон йилларида ноҳақ ўлим жазосига ҳукм қилиниб, қанчадан-қанча боболаримиз асоссиз отиб ташланди. Аччиқ ҳақиқат шуки, ўлим жазосининг адолатсизлиги аниқланса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. У кейинчалик тузатиб бўлмайдиган жазо тури сифатида ҳам хавфли ва адолатсиздир.

Таъкидлаш керакки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу жазо туридан мутлақо воз кечиш ёки ижро қилишга мораторий қўллаш амалиёти мавжуд. Бугунги кунда ер юзидаги юздан зиёд мамлакатда ўлим жазосидан бутунлай воз кечилган ёки улар амалда қўлланилмайди. Шу жумладан, йигирмадан ортиқ давлатда ўлим жазосига ҳукм этиш ёки уни ижро қилишга мораторий ўрнатилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрдаги резолюциясида ўлим жазоси борасида кўзда тутиладиган асосий мақсад, бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддаси «Инсонпарварлик принципи» деб аталиб, унда «Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак»лиги айтилган.

2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда инсон ҳаётининг дахлсизлиги ва унинг яшашга бўлган ҳуқуқи кафолатланди. Қолаверса, ушбу ҳужжат инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро тамойил ҳамда Конституциямизга мос келувчи энг мақбул йўл танланганининг яққол исботидир.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.**

## Миллий матбуот марказида

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви томонидан «Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш — давр талаби» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

### «МЕНИНГ МАҲАЛЛАМДА ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК»

Бугунги кунда маҳалла институти мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол қатнашмоқда. Маҳалланинг нуфузини оширишга нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга масала сифатида эътибор қаратилиши натижасида бу тузилма аҳолининг энг яқин таянчи ва суянчига айланмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш билан бирга фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг иштирокини кенгайтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ўринбосари Зафар Рўзиев. — Шу йилнинг 15 ноябрь куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳазалар, берилган топшириқлар асосида тизимли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир маҳаллада «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзоларидан иборат таркибда туну кун навбатчилик ташкил этиляпти. «Жамоатчилик назорат масканлари» фаолиятини самарали йўлга қўйиш Хоразм, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари мисолида ўрганилиб, мазкур тажриба барча маҳаллаларда оммалаштирилмоқда.

Маълумки, видеоселектор йиғилишида жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилгани натижасида 1243 маҳаллада бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани, уйма-уй юриб аҳоли муаммолари ўрганилгани сабабли 22 минг 370 нафар оиланинг нотинчлигига барҳам берилиб, 11 минг 345 нафар ёш оила ажрашиб кетишдан сақлаб қолингани, маҳалла посбонларининг тезкор хабарлари ёрдамида 4 минг 494 жиноят фош этилгани алоҳида таъкидланди. Албатта, бу борадаги ижобий натижаларни яхшилаш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Тадбирда ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири экани, ҳар бир фуқаро онгида «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак», деган туйғуни шакллантириш муҳим масала экани таъкидланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Кўргазмали анжуманда Конституциямиз тарихи, фиқҳ илми асосчилари бўлган бобокалонларимиз фаолияти, миллий қонунчилигимиздаги ислоҳотлар ва уларнинг самаралари, ҳуқуқий фуқаролик жамияти асослари хусусида қимматли фикрлар ўртага ташланди.**

## КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Буюк бобокалонимиз Бурҳониддин Марғиноний томонидан 1178 йилда ёзилган «Ҳидоя» асари ўз давридаёқ оммалашган, кўплаб тилларга таржима қилинган. Икки китобдан иборат бу асар жаҳон қонуншунослигида ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган.

Музей тарих бўлими мудираси Латофат Аҳмадалиева, музей ходими Эркин Қорабоев, манбаашунос олим Аҳмад Убайдуллоҳ, НамДУ доцентлари Тоҳиржон Қозоқов ва Озодахон Чубаевалар «Конституция тарихига бир назар», «Ҳидоя» ва Конституция», «Қозилик ва суд ишлари», «Бурҳониддин Марғиноний ва жаҳон қонуншунослиги» мавзуларида қизиқарли маърузалар тақдим этишди.

Маълумки, дунёнинг кўпгина ҳуқуқшунослари шарқ фиқҳшунослиги жаҳондаги умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам эта олган мукаммал қонунлар мажмуаси бўлганини эътироф этиб келишади.

Бош Қомусимизда қамраб олинган умуминсоний ғоялар ҳам улуғ аждодларимизнинг бебаҳо дурдона асарлари, хусусан, «Ҳидоя» асари билан боғлиқдир. Бундай асарларни ўқиш, ўрганиш бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга экани, шунингдек, Конституциямиз моддаларида миллий қадриятларимиз ўз ифодасини топгани аниқ мисоллар асосида таъкидланди.

Тадбир якунида талабалар ва «Ҳидоя» ислом билим юрти ўқувчилари қонун устуворлигини таъминлашга бағишланган диний-маърифий мавзудаги видеомаърузани тингладилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ислоҳотлар тақдири ҳудудларда ҳал бўлади*

## ОДАМЛАР ҲАМ, ҲАЁТ ҲАМ ЎЗГАРЯПТИ

**Куни кеча Чироқчи тумани кенгликлари, далаларини оралаб ўтиб, Сувлик қишлоғига етиб бордим. Бир томонга чодир тикилиб, стол-стуллар қўйилган, бир томонда дошқозонда ош дамланяпти, байрамга тайёргарлик кўриляпти. Олтмиш беш ёшли, чеҳраси очиқ фермер Нортайлоқ Келдиёров бизни кутиб олди.**



Бундан бир неча йил бурун хўжаликлар қайта ташкил этилаётганда, унинг оиласига ҳам 400 гектар лалми ер ажратилди. Шу тарзда «Замин» фермер хўжалиги пайдо бўлди. Қишлоқ Сувлик, аталса-да, бир гектар суғориладиган ерга эга эмас, бари лалми, яйлов.

Фермер хўжалигини тузгач, ҳам деҳқончилик, ҳам чорвачилик йўлга қўйилди. Кам бўлишмади. Бу йил ҳам 200 гектар ерга лалми буғдой экиб, 100 тоннадан кўпроқ дон топшириб, режани уддалашди.

— Айни пайтда қишлоғимизда 6,5 минг киши истиқомат қилаяпти, — дейди Сувлик МФЙ раиси Холмаҳмат Умбаров. — Фермерларимиз 2,4 минг гектар ердан унумли фойдаланмоқда. Баҳриддин Бойманов оиласи иссиқхонада лимон ўстираяпти. Бекмирза Воҳидов бодринг етиштиради. Машина тузатадиган тўртта устахона бор. Бир тадбиркоримиз «Зиё нур» тўйхонасини қуриб берди. Нортойлоқ ҳожи бобо ўғли Дилмурод билан бирга аҳолига маиший газ тарқатадиган шохобчани қурди. Чиял мавзесидаги барча қишлоқларга хизмат қилаяпти.

Элнинг оқсоқоли Нортайлоқ ҳожи Келдиёров кўпчиликнинг бошини қовуштириб, маҳалла учун янги бино қуришга бош-қош бўлибди. Ушбу мақсадга 5 миллион сўм маблағ сарфланибди. Хайрли ишга Фахриддин Бекмуродов, Жаҳонгир Обидов каби ўнлаб фермер ва тадбиркорлар ўз ҳиссасини қўшибди. Фермер Зокир Саъдинов бинодаги 9 хонанинг бирида тикувчилик цехи ташкил этибди. Цехга унинг қизи Наргиза раҳбарлик қилаяпти. Бино кўркам, шароит қулай...

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Чироқчи туман бўлими раиси, ЎзХДП фаоли Шоназар Жовлиевнинг айтишича, яна ўндан ортиқ маҳалланинг янги бинолари қурилмоқда.

### МУРУВВАТ

Шу куни Чироқчи шаҳрининг бир чеккасидаги ҳовлига келдик, хом ғиштлари кўриниб турган эски иморат, ёнида сувоқ ва бўёқдан чиққан ихчамгина янги уй. Хонадон эгаси Нодира Раҳмонова экан. Нодира шу қишлоқда туғилиб ўсган. Тақдир тақозоси экан, ўғли Баҳриддин билан ёлғиз қолди. Қанчалик оғир бўлмасин, бировлардан ҳеч нима сўрамади. Тикувчилик касбини ўрганди. Жамғармаси 35 миллион сўмга етгач, Чироқчи шаҳрининг бир чеккасидан 6 сотих ер олиб, хом ғиштдан бошпана қуриб олди. Тинч ишлаб, яшаб юрганди. Афсуски, 2003 йилда устига девор ағдарилиб, қаттиқ жароҳат олади. Даволангач, II гуруҳ ногирони бўлиб қолади. Шу аҳволда омонат турган уйда яшаш қийин эди. Шунинг учун жорий йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига мурожаат қилади. Унга уй-жойни таъмирлаш учун махсус сертификат берилди. Туман ҳокимлиги бошчилигида бир хонали янги уй қуриб берилди. Кўчма газ печкаси, телевизор ва бошқа буюмлар совға қилинди.

— Президентимиздан жуда миннатдорман, — дейди Нодира. — Шу кишининг халққа қилаётган ғамхўрлиги туфайли биз ҳам янги уйлик бўлдик.

Ҳамроҳим Шоназар Жовлиевнинг айтишича, туманда 35 фуқаро ижтимоий муҳофазага олинган экан. Мавжуд 83 маҳалла мутасаддилари Конституция байрами олдидан улар ҳолидан хабар олишибди, ижтимоий ёрдам кўрсатилибди.

### ШАҲАР ЯНГИЛАНДИ

Чироқчи шаҳри улкан дашт бағридаги кичкина мавзе. Узоқ йиллар аниқ лойиҳаси йўқ эди, қурилишлар дуч келган жойда олиб бориларди. Бундан икки йил олдин Тошкентдаги шаҳарсозлик институти шаҳарчанинг лойиҳасини тайёрлаб берди.

— Қисқа муддатда катта ишлар қилинди, — дейди **туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Шерали Ҳусанов.** — Янги «Бахт» уйининг биносини қаранг, оддий иморат эмас, кошона. Кўчанинг четидаги эски уйларни кўчирамиз. Замонавий бинолар қурамиз. Ҳадемай шаҳарчамиз бутунлай ўзгаради.

Конституция байрами арафасида шаҳардаги марказий кўчанинг катта қисми таъмирдан чиқариб бўлинди. Очиғи, кенг кўламли ишлар атиги тўрт-беш ойда уддаланди.

Бахтимиз қомуси байрами арафасида Чироқчида ҳам қор ёғди. Мен Чироқчи шаҳарчасининг яхши асфальт ётқизилган марказий кўчасининг четидаги кўркам бинолар, арча дарахтларига қараб, қувонаман. Шаҳарлар ҳам, одамлар ҳам ўзгараяпти, тараққиётнинг янги даври бошланяпти...

**ЮНУС УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати

**Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Бош Қомусимиз қабул қилинган кун юртимизнинг ҳар бир гўшасида кенг нишонланмоқда. Барча давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларида маъданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Конституциямизнинг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбир барчамиз учун қизиқарли ва фойдали бўлди, — дейди, **«Ўздавтемирйўлназорат» давлат инспекцияси бўлим бошлиғи Фарҳод Йўлдошев**. — Тадбирда Конституция моддалари ҳаётий далиллар билан муфассал таҳлил қилиб берилгани менга манзур бўлди. Бундан ташқари, бевосита иш фаолиятимиз учун ҳам қимматли маълумотларга эга бўлдик.

**«Ўздавтемирйўлназорат» давлат инспекцияси Ахборот хизмати.**

## Эълон

**«ELEGANT GARMENT TEXTILE» МЧЖ**

ягона таъсисчисининг 2017 йил 6 декабрдаги 06/12-сонли қарорига биноан корхонанинг устав фонди 530 000 000 (беш юз ўттиз миллион) сўмдан 370 000 000 (уч юз етмиш миллион) сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Шаҳарлар ҳам, одамлар ҳам ўзгараяпти, тараққиётнинг янги даври бошланяпти...

25

Бухоро вилояти
# «ЕВРОСНАР»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
ватандошларимизни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан табриклайди!






Навоий шаҳридаги
# «КОНТИНЕНТ — Н ЁҒ-МОЙ»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
Ўзбекистон халқини 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун билан қутлайди!

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
# «АСАКА» банки
ASAKA BANK
*жамоаси Сиз азизларни, мамлакатимиз Конституцияси куни билан чин юракдан муборакбод этади!*
*Байрам муносабати билан қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:*

**Миллий валютада:**

**«ҚАДРИЯТ»**
*Омонатнинг сақланиш муддати — 2 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади*

**«БАРАКАЛИ»**
*Омонатнинг сақланиш муддати — 6 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади*

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**
*Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат расмийлаштирилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади*

**Хорижий валютада:**

**«МАДАД» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати — 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати — 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

***Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.***

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| «Автотранспорт» филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарход филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

***Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;**
- **маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;**
- **эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
- **миқдори чекланмаган.**

**«АСАКА» БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!**

*www.asakabank.uz* *Хизматлар лицензияланган.*

# ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**



- **Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.**
- **Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.**
- **Ямобуры.**
- **Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.**
- **Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.**

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238
8762 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:45
Topshirilgan vaqti — 00:10
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6